

2001-yil fevral oyidan
chiqa boshlagan

Buyuk kelajakni birga quramiz!

Ijtimoiy-siyosiy,
ma'naviy-ma'rifiy,
adabiy-badiiy gazeta

2025-YIL, NOYABR,
№ 22-23 (556-557)

БУХОРО ҲОШИЛАРИ

БУХОРО БАЙРОҚЛАРИГА НАЗАР

Ўзбекистон давлат байроғи - мамлакатнинг тарихий
давомийлиги ва миллий анъаналарини ифодаловчи муқаддас рамз
сифатида юрт бўйлаб эъзозланади.

Ҳар йили байроқ қабул қи-
линган сана муносабати билан
Бухорода тантанали маросимлар
ўтказилиб, ёшларда ватанпарвар-
лик ва миллий гуруҳ туйғуларини
муштақамлашга қаратилган тад-
бирлар ташкил этилади.

2019 йилдан бошлаб, Бухоро
вилоятининг барча туманларида
баланд ва кўркам давлат байроқла-
ри ўрнатилган бошланган эди. Бухо-
ро шаҳар марказидаги 60 метрли
илк улкан байроқдан тортиб,
Қорақўлдаги 77 метрли баланд

байроққа қадар ҳар бири ҳомийлар
ва тадбиркорлар кўмагида барпо
этилган. Бугун бу байроқлар, нафа-
қат, туман, шаҳарлар гўзаллигини
безайди, балки, Ватанга муҳаббат,
бирдамлик ва миллий ифтихор
тимсоли сифатида ҳилпиради.

Айрим туманларда ҳали қури-
лиш ишлари давом этмоқда.

Бухоронинг барча туман ва
шаҳар марказларида ўрнатилган
давлат байроқлари тарихи сизга
қизиқми, унда QR орқали видео-
лавҳани томоша қилинг.



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ ОЧИЛДИ

Дилнозаҳон Каттахонова бухоролик
ёшлар билан учрашди

Ўзбекистон Республикаси
Ёшлар ишлари агентлиги дирек-
торининг биринчи ўринбосари
Дилнозаҳон Каттахонова Бухо-
рода кечаётган ишларни ўрганиш
давомида қатор учрашувлар, сайёр
қабуллар ҳамда экологик акциялар-
да иштирок этди. Когон тумани-
даги “Ёшлар маркази” фаолияти
билан танишди. Ёшлар билан очиқ

мулоқот ўтказилиб, уларнинг муам-
молари, таклиф ва ташаббуслари
ўрганилди. Бухоро давлат Техника
университетида ўтказилган сайёр
қабулда фаол ва ташаббускор
ёшлар, волонтерлар ҳамда турли
соҳаларда фаолият юритаётган
ёшлар қатнашди.

(давоми 3-бетда)



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

БАЙРАМИНГ МУБОРАК БЎЛСИН, ТАЛАБА!

Қадрли талабалар!

Сизларни 17 ноябрь – Хал-
қаро Талабалар куни билан чин
қалбдан табриклаймиз!

Бу сана илм ва изланиш
йўлида дадил қадам қўяёт-
ган, юртимиз келажаги учун
масъулиятни ҳис этаётган ёш-
лар байрами ҳисобланади.

Сизларга доимий илҳом,
катта муваффақиятлар ва янги

марраларни забт этиш йўлида

барқарор қадамлар тилаймиз.
Ҳар бир кунингиз изланиш,
янгилик ва юртимизга фойдали
ишлар билан тўлсин.

Ёшлиқнинг қудрати, билим-
нинг зиёси ва Ватанга муҳаббат
туйғуси сизларни доимо илгари
етакласин!

Байрамингиз муборак
бўлсин!



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

“ТАЛАБАЛАР КУНИ” ТАРИХИ

Тарихда баъзи кунлар борки, у кунларни, нафақат, бир миллат, балки бутун инсоният
доимий хотирлайди. 17 ноябрь — “Талабалар куни” ана шундай кунлардан бири. Аслида, бу кун ҳам
аксарият байрамлар сингари ўзининг қонли тарихига эга. Бу санада талабалар жасорати, эркин фикри
ва миллат шаъни йўлидаги қурбон бўлишган.

“English. radio. uz” сайтидаги
маълумотларга кўра, 1938 йил
Европада сиёсий шомоллар тин-
маган давр эди. Германия раҳбари
Адольф Гитлер Чехословакиянинг
Судет вилоятини немислар яшай-
ди, деган баҳона билан тортиб
олди. Германия, Италия, Франция
ва Британия Чехословакиянинг
тақдирини у билан маслаҳатлаш-

масдан ҳал қилдилар. Мюнхен
келишуви имзоланган кун чех
халқи ўзини хиёнатга учрагандай
ҳис қилди. Бир йил ўтмай, Герма-
ния бутун Чехословакияни босиб
олди. Миллат муштақилигидан
айрилди, аммо руҳи куймади. 1939
йил Чехословакиянинг муштақил-
лик куни 28 октябрда талабалар
Прага кўчаларига чиқиб, босқин-

чиларга қарши тинч намоийш
ўтказдилар. Улар кўлида қурол
эмас, юрагида умид билан йўлга
отланишди. Аммо, уларга немис
полицияси жавоб ўрнида қурол
ишлатди. 22 ёшли нонвой Вацлав
Седлачек жойида ҳалок бўлди, та-
лаба Ян Оплетал оғир яраланди ва
бир неча кундан сўнг вафот этди.
Унинг дафн маросими Прагада

оммавий чиқишга айланди. Бироқ,
Гитлер учун бу қаршилик белгиси
эди. 17 ноябрь куни нацист қў-
шинлари университетларга босқин
уюштирди. Етакчи талабалар
қамалди, тўққиз нафари отиб
ўлдирилди, 1200 дан ортиқ ёшлар
ва профессорлар концентрация
лагерларига юборилди. Универси-
тетлар ёпилди.

1941 йилда Лондонда фаолият
юритган чех муҳожирилари ва дунё
талабалари 17 ноябрни “Халқа-
ро Талабалар куни” деб эълон
қилдилар. Улар бу сана орқали Ян
Оплетал сингари жасур йигитлар-
ни, эркин фикр ва тинчлик учун
жон фидо қилган барча ёшларни
хотирлайдилар.

Шундай қилиб, 17 ноябрь та-
лабаларнинг жасорати, фикр эркин-
лиги ва миллат қадри учун қурбон
бўлганлар хотираси нишонлана-
диган кун. Талабалар китоб ўқиб,
янгилик яратса, ҳақиқатни сўзласа,
Оплетал йўлининг давомчиси
бўла олади. Фақат ҳар бир авлод
ўз даврида эркин фикр ва ҳақиқат
учун майдонга чиқади. Кимдир
кўлида байроқ билан, яна кимдир
кўлида китоб билан. Бу сана фақат
ўтмишдаги фидойиларни эслаш
учун эмас, балки, бугунги ёшлар
учун ҳам илм миллатнинг қалқони,
билимли ёш эса юртининг келажаги
эканини эслатиб туради.

ЗулфиЗАР тайёрлади.



“КЕСАКЛИ” ЁШЛАРИ ЮТУҒИ

Олот туманидаги “Кесакли” маҳалласи бугун ёшларнинг иқтидорини юзага чиқариш борасида намуна сифатида тилга олинмоқда. Бу, аввало, маҳалла ёшлар етакчиси - Хуршид Рўзиқуловнинг меҳнати билан чамбарчас боғлиқ.

Хуршид Рўзиқулов Бухоро давлат университети Журналистика йўналиши сиртқи бўлими талабаси. Ташкилий жиҳатдан ижодий соҳада ҳам ўрнатилган ёшларнинг шу кунгача тўртта шеърини китоби нашрдан чиққан, мақолалари республика газеталарида чоп этилган.

У маҳалладаги ёшлар ўртасида маънавий-маърифий, маданий ва спорт тадбирларини ташкил этиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, иқтидорли ёшларни кашф этиш йўлида тинимсиз фаолият олиб бормоқда. Унинг ташаббуси билан ўтказилган кечки концертлар, маданий учрашувлар ва спорт мусобақалари бугун “Кесакли” ёшларини янада бирлаштирган.

— Етакчи, энг аввало, ўзи ёшларга намуна бўлиши керак, — дейди Хуршид.

“Кесакли” маҳалласи ёшлари республика миқёсидаги мусобақаларда ҳам етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. 2022–2024-йилларда “беш ташаббус олимпиадаси”нинг Республика босқичида иштирок этишган ва вилоят миқёсида бир неча марта фахрли ўринларни қўлга киритишган. Маҳалладаги ёшларнинг бирлиги ва ҳамжиҳатлиги билан “Ореп



byudjet” порталида голибликни қўлга киритган кесаклилик ёшлар ташаббуси билан “Тип-2” кўринишидаги замонавий спорт комплекси бунёд этилган ва фойдаланишга топширилган. Бу жойда бир пайтнинг ўзида 6 турдаги спорт билан шуғулланиш имконияти мавжуд.

Шунингдек, етакчи ташаббуси билан маҳаллада ташкил этилган “Кесакли” жамоаси “Шижоат ва ғайрат” ҳарбий-спорт мусобақасининг вилоят босқичида учинчи ўринни, “Йилнинг энг фаол маърифат тарғиботчиси” танловининг туман босқичида эса биринчи ўринни эгаллаган.

— Фаолиятим давомида энг катта кучни ёшларнинг бирдамлигидан олдим. Ҳар бир ғалаба жамоанинг меҳнати натижаси. Зеро, юрагиде Ватан меҳри бор инсон, ўз маҳалласининг фаровонлиги учун, албатта, фидокорлик қилади, — дейди Хуршид Рўзиқулов.

Дилнавоз Тўхтаева,
“БҮО” муҳбири.

УСТОЗ ҲАР ДАВРДА КЕРАК

Исталган маълумот ва ахборотга эришиш тарихда ҳеч қачон бугунгидек осон бўлмаган. Интернет, хусусан, “Google”, “Chrome” сингари ижтимоий тармоқлар орқали ҳамма мавзуда бир дақиқа ичида минглаб жавоб топиш мумкин. Шунга қарамай, замонамизда устознинг ўрни ҳали ҳам бор.

Бизга керак бўлган ҳар қандай билим ва тажриба кафтимизда турган экан, нега ҳанузгача устозларга юзланамиз? Жавоби оддий. Сабаби интернет ҳамма нарсани “билади”, муаллим эса уни осонлик билан ўргатади. Ижтимоий тармоқлар формулани, фактни, тарихни, статистикани аниқ кўрсатади. Аммо, билимни ҳаёт билан боғлаш, уни ҳис қилиш, инсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш фақат устознинг қўлидан келади.

Устоз шунчаки дарс ўтмайди, балки, шахсни шакллантиради. У билим билан бирга тарбияни, масъулиятни, юрак билан ўйлашни ҳам ўргатади.



Унутмаслик керакки, ҳар бир буюк инсоннинг ҳаётида унга тўғри йўлни кўрсатган устоз бўлади.

Бугунги талабалар ҳаракатини кўп кузатдим ва ҳулоса қилдимки, ҳозирги ёшлар тезкор жавобларни ёқтиради. Аммо, ҳаётда ҳамма нарсаси ҳам қисқа вақтда амалга ошмайди. Балки, шунинг таъсирида айрим ёшларда шошқалоқлик, телбалик ва сабрсизлик хисси ортиб бораётгандир? Бироқ, аминманки, қачонки, талабага ҳурмат ва адолат, ғурур ва андиша тушунчаларини англаб олса, талаба ҳам иродали, теран фикрли бўлиши

ўрганади. Зотан, “қандай яшаш керак?” саволига жавоб беришда ижтимоий тармоқлар жим қолади.

Демакки, рақамли аср ўқитувчининг ўрнини боса олмайди, фақат ёрдамчи куч яратади, холос. Устоз эса ҳар даврда керак. У йўл кўрсатувчи, танқидий фикрлашга ундовчи, руҳий таянч бўлиш орқали инсонни инсон қилади. Технология қанчалик ривожланмасин, юракдан чиққан сабоқ ҳар доим энг муҳим манба бўлиб қолаверади.

Шаҳриноз Исмоилова,
Бухоро давлат
Педагогика институти
ўқитувчиси.



ЮРАКДАН ЮРАККА ЕТГАН МИСРАЛАР

Усмон Носир ва Сергей Есенин турли замонда, турли юртда яшаган бўлсалар-да, дилидаги олов, сўзга бўлган муҳаббат, табиат ва инсон руҳиятини теран ҳис этиш жиҳатидан ўхшаш.

Есенин рус халқи қалбини, унинг оғриғини ва табиатини шеърга солган бўлса, Усмон Носир ўзбекнинг орзуларини ва ички изтиробини қалами орқали мисраларга кўчирган. Есенин учун рус қишлоғи, табиати ва халқининг руҳи муқаддас эди. Унинг ҳар бир мисрасида ер ҳиди, дала-лар шамоли, қуёшда қотган йўллар ва она меҳри сезилиб туради. Усмон Носирда эса шу руҳ ўзбек замини, унинг

фаол руҳ, Есенинда эса лирик тушкунлик устувордир.

Аммо, сўзга бўлган садоқат ва самимият уларни бирлаштириб туради. Ҳар икки шоир ўз халқининг дардини тушунган, унинг оғриғини ва қувончини теран ҳис этган. Есенин ўз мисраларида рус қишлоғини абадий тимсолга айлантирган бўлса, Усмон Носир ўзбекнинг қалбидаги эркинлик истагини, янги замонни орзу қилган руҳини сўзларда



сахий табиати ва меҳнаткаш халқининг орзулари билан уйғунлашган.

Есенин шеърларида сўзлар лиризм ва ички надомат билан ёзилган бўлса, Усмон Носирда умид ва ёшлик олови, кураш ва яшашга иштиёқ яққол кўзга ташланади. Есенин ҳаётни кўпинча фожиавий ёритган, инсон тақдири олдида ўзини ожиз ҳис этган. Усмон Носир эса бу фожиага қарши борган, у ҳаётни, муҳаббатни, эркинликни сева олган. Шу жиҳатдан Усмон Носир ижодида

ифодаланган. Уларнинг ҳар бир сатрида ҳақиқатга интилиш, инсонни ва табиатни севиш туйғуси бор.

Усмон Носирнинг “Йўлчи”, “Юрак”, “Боғим” каби шеърларида ҳаётга ишонч, инсон руҳининг қуввати сезилади. Есениннинг “Она ибодати” ёки “Синглимга хат” асарларида эса инсоннинг ички зиддиятлари, пушаймонлик ва кечирим сўраш туйғулари устувор. Шу маънода, улар икки кутб каби бири ҳаётга муҳаббатни, иккинчиси



ҳаётдан аламни ифода этган. Қолаверса, иккиси ҳам ўз замонининг ичида яшаб, унинг дарду орзусини ҳис этган. Улар учун шеърят ҳақиқатни айтишнинг ягона йўли эди.

Шоир қалбидаги дунёда чегара йўқ, дейишди. Усмон Носир ва Сергей Есенинни бирлаштирган жиҳат ҳам муҳаббат, изтироб ва сўзга ишонч каби умуминсоний туйғулардир. Улар турли юртда туғилган бўлсалар-да, шеърят орқали бир-бирини англайдиган, бир дард билан яшаган икки руҳдош ижодкор эди.

Ҳар икки шоирнинг сўзлари қалбдан чиққан ва туғридан-туғри қалбга етиб борган. Улар шеърят орқали инсон руҳини, туйғуларини ва ҳаётнинг ноёб гўзалликларини сўз билан ҳис эттирган. Шунинг учун уларнинг юракдан битган шеърлари вақт ва макон чегарасидан ўтиб, адабиёт ошуфталари юрагига етиб боради.

Муҳаббат Бўриева,
Бухоро давлат
Педагогика институти
ўқитувчиси.

СТРАЖ ФЛАГА

(Фантастический рассказ ко
Дню Государственного флага
Республики Узбекистан)

Ветер тихо шептал между древними минаретами. Над городом вставало солнце, и казалось, что государственный флаг над страной утратил свой блеск. Его цвета поблекли, звёзды словно потускнели, и даже ветер перестал играть с его полотнищем.

Молодая девушка по имени Зиёда, заметив это, почувствовала тревогу. Ей вспомнился голос, услышанный во сне накануне:

— Флаг ждёт не ветра, а веры.

На рассвете она отправилась к вершинам гор, чтобы вернуть флагу его силу. Долгий путь вёл через три испытания. У берегов лазурного озера Зиёда училась защищать мир и покой; среди белоснежных перевалов — хранить чистоту; в зелёной долине — ценить жизнь во всех её проявлениях. Она проходила эти испытания не силой, а

сердцем, потому что понимала: флаг соткан не из ткани, а из духа народа.

На вершине горы её ожидал блеклый, безмолвный флаг.

— Почему ты молчишь? — спросила Зиёда.

Флаг ответил тихим, усталым голосом:

— Я живу в сердцах людей. Но они забыли обо мне.

Зиёда приложила руку к сердцу и произнесла:

— Тогда я напомним им. Ведь ты — это биение наших сердец.

И в тот миг ветер ожил. Цвета вновь вспыхнули на

ветру: лазурный — как небо, белый — как чистота, зелёный — как жизнь, а красные полосы зазвучали, как ритм пульсирующего сердца народа.

Флаг снова поднялся высоко, гордо развеваясь над страной. Люди подняли головы к небу, дети улыбнулись, и каждый почувствовал: флаг не просто развивается на ветру — он живёт в сердцах народа.

Рушана Набиева,
преподаватель Бухарского
государственного
педагогического института.

ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР ЭШИГИ ОЧИЛДИ



(боши 1-бетда)

– Учрашув ёшлар учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Энг аввало, биз, ёшлар, ўз фикр-мулоҳазаларимизни бевосита масъуларга етказиш, муаммоларимизни билдириш имконига эга бўлдик. Мен “Қизлар овози” клуби координатори сифатида бу учрашувда қатнашиб, ўзим учун ва келгусидаги фаолиятим учун кўникмалар олдим. Шундай очиқ мулоқотлар биз, ёшларни янада илҳомлантиради, ўз имкониятларимизга ишонч уйғотади. Ҳар бир фикрнинг эътибор билан тингланаётгани - бу давлатимизда ёшлар овози ҳақиқатан ҳам эшитилаётганидан далолат. Бу каби учрашувлар ёшлар учун янги имкониятлар эшигини очади, бизни янада фаол, ташаббускор ва масъулиятли бўлишга ундайди, - дейди учрашув иштирокчиси Райҳон Пўлатова.

Тадбирнинг асосий мақсади - ёшларнинг фикрини тинглаш, уларни қийнаётган масалаларни жойида ҳал этиш ва янги имкониятлар яратишдан иборат бўлди. Ёшлар томонидан билдирган мурожаатлар жойида ўрганилиб, масалалар бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланди. Шу жараёнда ёшларни иш билан таъминлаш, ёшлар етакчиларининг касбий ва психологик билимларини ошириш мақсадида ўқув семинарлар ташкил этиш, “Кўмак” лойиҳаси доирасида ўқув маркази очиш юзасидан муҳокама-лар бўлди. “Қизлар овози” форуми ҳамда “Нео китобхон” лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, таълим тўлови билан боғлиқ мурожаатлар кўриб чиқилди. Ушбу масалаларни ечиш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

**Дилнавоз Тўхтаева,
“БҮО” мухбири.**

Ўқиш билан бир қаторда, вилоятдаги телевидениелардан бирида ҳам фаолият юритяпман. Бугун анчадан буён режа қилиб юрган, аммо, имкон топа олмаётган манзилга бордим. Албатта, ҳамкасбларга ҳамроҳ бўлиб. Қамоқхонага. Ҳа, қайта-қайта ўқисангиз ҳам яна шу сўз - “қамоқхона”, адашмадингиз, ўқишда давом этинг.

“ОТАЛАР СИЗГА МУНОСИБ БЎЛСИН...”

Тонги соат 9:00 да шу манзилда бўлдик. Узоқ ва қаттиқ текширувлардан кейин эшик санаб, саноғида адашиб, симтўрлардан ўтдик. Ичкарилаб кириб борар эканмиз, қулоғимизга маҳбусларнинг овози эшитилади: “Хўп, бошлиқ”, “Уэр, бошлиқ”, “Лаббай, айтинг бажараман!”... Маҳбуслар тилида шу гаплар тез-тез айланишига гувоҳ бўлдим.

Берилган топшириқ бўйича афв этилганлар билан суҳбатни тасвирга олиш керак эди. Мен бу ишни тасвирчимизга қолдирдим-да, ўзим 4-7 йилдан буён тўрт девор ичида яшаётганларнинг ички кечинмалари билан қизиқдим. Маҳбуслар билан суҳбатладим. Улар орасида “IELTS” бали 7 бўлган маҳбус бошқаларга дарс ўтяпти, расом турма деворларини бўяпти... Уларни кузатиб турсам, хусусий ОТМдан давлат ОТМга кимнингдир ўқишини кўчириш эвазига пора билан ушланган ака ҳазиллашиб: “Ўқишингизда муаммо бўлса, ёнимга келаверасиз”, - деди... Хуллас, бу ердагиларнинг аксарияти қўлида ҳунари бор,

илмдан хабардор одамлар экану, нафс учун билиб-билмай, темир панжара ортига қадам қўйишганини тушундим. Маҳбусларнинг ҳаммаси бир хил кийинган... Ёшлик даврларида уларнинг ҳам каттаю кичик орзулари бўлган, барибир. Афсуски, ўз айблари билан ўз келажакларига доғ туширишган. Қачон уларнинг қизалоқлари “дадажон”, деб фахрланади, оналари қачон дастурхон кўтариб, совчиликка боришади, набиралари қай маҳал бобосининг қучоғига ошиқади? Шуларни ҳаёлимдан ўтказиб, улар билан суҳбатни якунладим. Бу ерда мен учун бир сония бир йилдек ўтди. Ўша онда тўйиб йиғлагим келди. Берилган умрга жоним куйди. Ҳеч бир фарзанд отасининг бу аҳволини кўрмасин, ҳеч бир она ўғлининг бу ердаги ҳолига гувоҳ бўлмасин, илоҳим! Бир аёлнинг “Эрим бу ердан оқланиб чиқади, ҳа?” деган

гапи қулоғим остида такрор-такрор айланияпти ҳалиям...

Оқ қоғоздаги шеър эса маҳбус тилидан қизига атаб ёзилган экан, мукаммал эмас, аммо, сурхон ўғли томонидан ёзилган бу шеърни қўлимизга тутқазди.

- Қизим, ўзиз ўқинг-чи, деди, - у шеърнинг 3 бандини ўқигаҳ.

У кўзларидаги намни атрофдагилардан яширишга уринди-ю, лекин, юзларига томчилаётган кўз ёшлари буни ошкор қилди. Шеърни овоз чиқариб ўқидим, аммо, мен ҳам давомини ўқий олмадим...

- Раҳмат, қизим, бугун мени дунёча хурсанд қилдинг, ҳар бир отага сендек қиз насиб қилсин, - деб хўрсиндию, - оталар ҳам сизларга муносиб бўлсин, - дея паст овозда қўшиб қўйди.

**Шаҳризода Ҳамроева,
БухДУ талабаси.**

ПЛАСТИК КАРТАЛАР ХАВФСИЗЛИГИ: МОЛИЯНГИЗНИ ҚАНДАЙ ҲИМОЯ ҚИЛАСИЗ?

Пластик карталар ҳаётимизни енгиллаштираётган бўлса-да, улар билан боғлиқ фирибгарликлар ҳам кўпаймоқда. ИИБ Кибержиноятлар маркази маълумотларига кўра, охириги беш йилда Ўзбекистонда кибержиноятлар сони 68 баравар ошган. 2024 йилда эса бу кўрсаткич 2023 йилга нисбатан 9,1 баравар кўпайган. 2021–2024 йилларда фуқаро ва ташкилотлардан жами 1,909 триллион сўмдан ортиқ маблағ талон-торож қилинган, 2024 йил ичида 603 миллиард сўм зарар кўрилган.

Ана шундай жиноий ҳолатларга дуч келмаслик учун молиявий хавфсизликни таъминлаш қоидаларига амал қилиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, код ва паролларни ҳеч кимга ошкор этманг. Банк ходими ҳеч қачон PIN, CVC/CVV ёки SMS-кодни сўрамайди. SMS/push-хабарномаларни ёқинг. Ҳар қандай ғайриоддий транзакция дарҳол сезилади, аммо, шубҳали ҳолатда картани тезда блокланг. Фақат хавфсиз сайтлар



ва расмий иловалардан фойдаланинг. Бунда ҳавола манзилини, албатта, текширинг (<https://> ва кулф белгиси). Нотаниш ҳаволаларни босманг. SMS ёки электрон почтадаги шубҳали таклифлар одатда фирибгарлик мақсадида юбори-

лади. Шунингдек, телефон рақамингизга жўнатилган маълумотни икки марта текширинг. Сизнинг шошилингиз фирибгарларга қўл келиши мумкин. Шунинг учун ўзини дўст ёки қариндош, деб таништириб пул сўрашса, аввал, бунга амин бўлинг.

Фирибгарлар ўз нияти йўлида турли усуллардан фойдаланади. Масалан, нотаниш одам қўнғироқ қилади ва сизнинг бирор қариндошингиз ёки дўстингиз муаммога дуч келганини айтади. Фирибгар уларга ёрдам бериш учун сиздан зудлик билан пул ўтказишингизни сўрайди. У сизни қўрқиб, алданиб қолишингизга умид қилади. Бу вазиятда пул ўтказишга шошилманг. Аввал, қариндошларингизга ёки дўстларингизга қўнғироқ қилиб, хабар олинг. Сизга пул ўтказилганлиги ҳақида SMS келади. Хабар банкдан келганга хабарга ўхшайди. Шу заҳоти, нотаниш одам сизга қўнғироқ қилиб, пулни нотўғри ўтказганини айтади ва уларни қайтаришни сўрайди. Эҳтимол, бу фирибгар, сизга ҳеч қандай пул келмаган ва “банкдан” келган SMS эса сохта. Банкка қўнғироқ қилинг ва ҳисобингизга пул тушганлиги ҳақида сўранг.

Шуни унутмангки, фирибгарлар доимий равишда алдашнинг янги “схема”ларини ихтиро қилишади. Асло картадаги махфий маълумотларни ҳеч кимга, ҳатто, ўзини банк ходими сифатида таништирган кишига ҳам берманг. Вазиятни тушунмагунча, ҳеч қачон пул ўтказманг. Банкнинг расмий ишонч телефони рақамига ўзингиз қўнғироқ қилинг ва сизни қизиқтирган маълумотларни аниқланг. Асосий-си, шошилманг. Огоҳ бўлинг!

**Муҳаммадали Шарипов,
Тошкент давлат юридик
университети “Халқаро ҳуқуқ
ва қиёсий ҳуқуқшунослик”
факультети 1-босқич талабаси.**



КЕЧАГИ ТАЛАБАЛАР

Талабалик - инсон ҳаётидаги энг ёрқин, илҳомли ва масъулиятли давр. Ўқув йилларида талабалар фақат билим эмас, балки, ҳаёт тажрибаси, дўстлик ва Ватанга садоқат руҳини ҳам ўзида шакллантиради. Зеро, ёшликда олинган илм келажақда малакали кадр бўлиб етишишга катта ҳисса қўшади. Бугун вилоятдаги масъулиятли лавозимларда фаолият юритаётган бир нечта раҳбарлар талабалик йиллари, ёшлик даврлари ҳақида сўзлаб беришди.

ПАХТА ДАЛАСИДАН МИНБАРГАЧА: УНУТИЛМАС ТАЛАБАЛИК ХОТИРАЛАРИ



**Шавкат Раҳмонов,
Бухоро вилояти Ёшлар ишлари
бошқармаси бошлиғи**

Талабаликка осонликча эришмаганман. Икки йил давомида Тошкент давлат юридик институтига киришга уринганман, аммо, омад мен томонда бўлмаган. Бухоро давлат университетида шу йўналиш бўйича таҳсил олиш имконияти мен учун катта бахт, балки, узоқ йиллар орзусининг рўёби бўлди. 2009-2014-талабалик йилларим ушбу университет билан чамбарчас боғлиқ.

Биз ўқиган факультетда, тахминан, 60 нафар талаба бор эди. Ҳар бири билан дўстона муносабатлар ўрнатганимиз, орадан 13 йил ўтган бўлса-да, ҳозиргача бир-биримиз билан алоқа узмаганимиз.

Ўша пайтда талабалик ҳаёти ҳозирги замон билан солиштирганда, анча бошқача эди. Ҳар ўқув йили бошида уч ой давомида пахта теримига чиқардик. Биз Қоровулбозор туманида пахта териб, сахардан шомгача далаларда меҳнат қилардик. Албатта, бу меҳнатнинг қийинчилиги жуда кўп эди, аммо, шу жараёнлар бизга сабр, меҳнатсеварлик ва жамоа билан ишлашни ўргатган.

Бугун эса Ўзбекистонимизда янги давр бошланди. Давлатимиз раҳбарининг ислохотлари натижасида аҳоли, хусусан, талабалар мажбурий меҳнатдан тўлиқ озод этилган. Ёшлар фақат илм олиш, ўз соҳасини чуқур ўрганиш билан шуғулланади. Илмга эътибор, билимли ёшларга эътибор — бугунги сиёсатнинг устувор йўналишига айланган.

Биз ўқиган йилларда олий таълимга кириш квоталари жуда кам эди. Ҳозир эса барча учун кенг имкониятлар эшиги очилган. Бир талаба бешта олийгоҳга ҳужжат топшириб, хоҳлаганини танлай олади. Хорижда таҳсил олиш учун ҳам кенг шароитлар яратилган. Юртимизнинг кўплаб ёшлари дунёдаги энг нуфузли, Топ-100 талик олийгоҳларда таҳсил олапти. “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали хорижда ўқиш янада осон ва амалий тус олди.

Менинг талабалик йилларим, нафақат, билим олиш, балки, ҳаёт мактаби ҳам бўлган. Биз уч нафар фарзанд эдик: укам олийгоҳда, синглим эса коллежда ўқирди. Оилавий шароитимиз огир бўлгани учун мен ўқиш билан бирга, ишлашга ҳам мажбур эдим. Тун ярмигача ишлаб, эрталаб дарсга борардим. Лекин, бир он ҳам таслим бўлмаганман. Шу сабабдан бўлса керак, олийгоҳни аъло баҳолар билан тугатдим, диплом ишимни ҳам “беш” баҳога ҳимоя қилдим.

Бу йиллар менга ҳаётда ўз йўлимни



топиш, келажакка ишонч билан қадам қўйиш ва мустақил фикрлашни ўргатди. Университетда ўқиган йилларимда кўплаб улуғ ва фидойи устозларим бўлган. Улардан олган сабоқларим бугунги ҳаётимда менга йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳозир ҳам Бухоро давлат университети Тарих факультети устозлари билан алоқадаман, уларнинг маслаҳатлари мен учун ҳануз қадрли.

Ҳар сафар талабаларни кўрганимда, ўша шод, орзули йиллар ёдимга тушади. Шу боис, бугунги замон талабаларига бир фикрни айтишни истайман: Ким ўз касбининг ҳақиқий мутахассиси бўлса, соҳасига сидқидилдан

фидойилик билан ёндашса, у, албатта, эътиборсиз қолмайди. Яхши кадрни ҳар қандай ташкилотнинг ўзи излаб топади, ишга таклиф қилади.

Яқинлашиб келётган “Талабалар куни” муносабати билан бутун Ўзбекистон талабаларини, айниқса, Бухоро вилоятидаги 10 та олий таълим муассасасида таҳсил олаётган азиз талабаларимизни чин қалбимдан табриклайман! Танлаган касбингизда фидойий бўлиб, мустақил Ўзбекистонимизнинг раўнақи учун хизмат қиладиган, юртимиз келажагини ёрқин қиладиган авлод бўлиб етишингизга ишонаман!

Мен учун эсда қоларли, энг яхши ва энг нурли даврлар бу - талабалик йилларим. Йиллар мобайнида бир нечта олийгоҳларда таҳсил олдим. 1992 йилда мен илк бор Туркияда талабалик фаолиятимни бошлаганман. Аввало, Бурса шаҳрида тил ўрганиш билан машғул бўлдим. Кейинчалик Измир ва Баликесир шаҳарларида таҳсилни давом эттириб, туризм соҳаси бўйича билим олдим.

Талабалик пайтларимда спорт билан фаол шуғулланганман, хорижий тилларни пухта ўзлаштиришга жуда катта эътибор берганман. Мактабда француз тилини ўқиган бўлсам, Туркияда турк тилини мукаммал даражада ўргандим, инглиз тилини ҳам чуқур ўзлаштирдим.

Кейинчалик таълимимни Тошкент давлат Иқтисодиёт университети туризм иқтисоди йўналиши бўйича давом эттирдим. Фақатгина шу олийгоҳда ўқиб юрган пайтларимда бир марта пахта теримида қатнашганман, бу мен учун меҳнат қадрини ҳис қилиш имкони бўлган.

Иккинчи мутахассислик сифатида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг юриспруденция йўналишини



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

**Обиджон Ҳамидов,
Бухоро давлат Университети
ректори**

ҳамда Австрия университетини муваффақиятли тамомладим. Шу сабабли ишонч билан айта оламан: мен бутун умр талабаман.

БИР УМР ТАЛАБАМАН!



Менинг эгаллаган билим ва тажрибала-римда устозларимнинг меҳри, меҳнати ва ишончи беқийс. Уларнинг кўпчилиги ҳаётдан кўз юмган бўлсалар-да, мен уларни доимо ҳурмат ва миннатдорлик билан ёдга оламан.

Ўқиб юрган пайтларимда ҳеч қачон “бир кун келиб, ректор бўламан”, деб ўйламаганман. Ростини айтсам, менинг ҳеч қачон “олим бўламан” ёки “ректор бўламан”, деган орзум ҳам бўлмаган. Ҳаётнинг ўзи ва устозларимнинг ишончи, тавсиялари мени бу лавозимларга етаклади. Улар тўғри йўл кўрсатганлари учун мен доимо миннатдорман. Бугун эса менинг энг катта баҳоловчим - бу менинг талабаларим.

Таълим ва хизмат сафари муносабати билан кўплаб мамлакатларда бўлганман. Кўпчилик хорижга чиқишни дам олиш ёки саёҳат, деб ўйлайди, аммо, мен учун бу ҳар доим иш, изланиш ва тажриба тўплаш имконияти бўлган. Ҳар бир сафарда янги билим, янгича қараш ва илгор тажрибаларни ўрганиб, уларни татбиқ этишни мақсад қилганман.

Ҳозир ҳам талабалар билан биргаликда, турли тадбирларда, спорт мусобақаларида иштирок этсам, ўзимни яна талабадек ҳис қиламан. Талабалик йилларим ҳақиқатан ҳам

ҳаётимдаги энг нурли, энг бахтли ва унутилмас дамлар бўлиб қолган.

Чет элда бўлган пайтларимда Ватан соғинчи менга доимо ҳамроҳ бўлган. Ота-онам доимо мадад бериб, илмий изланишимни қўллаб-қувватлашган. Ҳар сафар уйга қайтганимда, улар “яхши мутахассис бўл, тилни яхши ўрган, ўз юртингга фойда келтир!” - деб насиҳат қилишарди. Шу гаплар мен учун энг катта илҳом манбаи бўлган.

Мен учун Ватанга қайтиш, унинг раўнақига ҳисса қўйиш — энг олий шараф. Чет элда кўп нарсаларни ўрганган бўлсам-да, бир нарсани ҳеч қачон унутмаганман: менинг тақдирим Ватаним билан боғлиқ.

Бугунги ёшларимиз учун очилган кенг имкониятлардан тўғри фойдаланиш уларнинг энг катта бурчи. Қайси давлатда бўлмасин, қайси соҳада фаолият юритмасин, ҳар бир ёш Ватанга хизмат қилишни унутмаслиги лозим. Чунки, Ватанга хизмат қилиш — бу, фақат бурч эмас, балки, энг улуғ саодат, садоқат ва ифтихор рамзидир.

БУГУНГИ РАҲБАР

2025-yil, noyabr, № 22-23



ТАЛАБАЛИК - ОРЗУЛАРГА ҚАНОТ, КЕЛАЖАККА ЙЎЛ



Видеолавлани QR орқали кўринг.

**Мирали Ҳамроев,
Зармед университети ректори**

2000 йил Бухоро муҳандислик Технология институтининг (ҳозирги Техника университети)нинг менежмент факультетига ўқишга қабул қилинганман. Бу мен учун беқиёс бахт ва фахр туйғуси эди. Чунки, кўплаб ёшлар учун олий таълимга кириш умр орзуси, ҳаётдаги энг катта мақсад эди. Мен эса бу мақсадга эришиб, грант асосида таҳсил олиш имкониятига эга бўлганман.

Олийгоҳ ҳаётимда янги саҳифа очган. Янги муҳит, янги дўстлар, янги фанлар - барчаси мен учун қизиқ ва илҳомбахш эди. Курсдошларимнинг кўпчилиги бугунги кунда турли соҳаларда нуфузли лавозимларда ишлаб келишмоқда.

Албатта, талабалик фақат шодлик ва қувончдан иборат эмас. Қийинчиликлар ҳам бўлган. Айниқса, илк имтиҳон пайтидаги ҳаяжонлар ҳали ҳам ёдимда. Дарсларда яхши қатнашган бўлсам-да, биринчи марта устозлар олдида жавоб бериш, фикримни эркин ифодалаш мен учун катта синов бўлган. Агар инсонда ўқишга муҳаббат ва интилиш бўлса, ҳеч қандай қийинчилик уни йўлдан қайтара олмайди. Талабаликда сабр ва меҳнат ҳар қандай тўсиқни енғади.

Устозларим ҳаётимда ўчмас из қолдирган. Улар фақат билим берибгина қолмасдан, қалбимизга иштиёқ, меҳнатсеварлик ва фидойилик туйғусини ҳам сингдирганлар. Ҳар бир дарс, ҳар бир маърузани қизиқиш билан тинглардим, ҳар бир фанни ўзим учун кашфиёт, деб билардим. Устозларим орасида, айниқса, раҳматли Тоҳир Шомуродов номини алоҳида эҳтиром билан тилга оламан. У киши фақат устоз эмас, балки, биз учун ҳаётини йўлбошчи, ҳақиқий ибрат, эди.

Ҳар бир инсон ҳаётида талабалик йиллари алоҳида ўрин тутати. Бу йиллар — орзуларга қанот, келажакка йўл ва ҳаёт мактаби ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мен бу даврни “ҳаётимнинг энг ёрқин, энг ибратли ва энг қадрли палласи”, деб атаيمان.

Талабалик - бу фақат ўқиш эмас, балки, инсоннинг ўзини англаши, келажакни қуриш пойдеворидир. Бугунги талабаларга: бу даврни қадрланг, ундан унумли фойдаланинг, илмга чанқоқ бўлинг, тил ўрганинг, изланинг, фикр юритинг, бу йиллар қайта келмайди, аммо, улар орқали қўлга киритилган билим ва тажриба бутун умр сиз билан бирга бўлади, деб қоламан.

Мен 1995–1999 йилларда мен Бухоро давлат университетининг амалий математика ва информатика йўналишида таҳсил олганман. Кейинчалик Бухоро Техника университетида “Компьютер тармоқлари” бўйича магистратура таълимидан ўтганман.

“ЭРТАНГИ МУВАФФАҚИЯТ – БУГУНДАН БОШЛАНАДИ”



Видеолавлани QR орқали кўринг.

**Садоқат Сиддиқова,
Бухоро давлат Техника
университети ректори**

Устозларимнинг барчаси мустақам билим ва инсонпарварлик тамойилларига содиқ, ўз ишининг усталари эдилар. Хусусан, Аллоевнинг қатъияти, Исмоиловнинг ҳалоллиги ва раҳматли Аҳмедовнинг самимияти менга катта таъсир қилган. Уларнинг талабчанлиги ва профессионализи бизга, нафақат, фан, балки, ҳаёт мезонларини ҳам ўргатди.

Физика-математика факультетидаги таҳсил

йилларим менга аниқ фикрлаш ва амалий ёндашувни сингдирди. Амалий математика назарий билимни ҳаётга татбиқ этиш санъати эканини ўша пайтда англадим. Шу боис, бугунги фаолиятимда ҳар бир қароримни амалий натижага йўналтиришга интиламан. Устозларимдан олган билим ва маънавий сабоқларим мен учун беқиёс меросдир. Ҳанузгача талабалик давримда тузган консепт дафтарларимни меҳр билан асраб келаман. Талабаликнинг биринчи куниданоқ, ҳар биримизга катта умид ва ишонч билан қаралганини ҳис қилганман. Охирги курсда диплом қабул қилиш маросими эса ўша меҳнат ва орзуларимнинг натижасига айланган завқли, ҳаяжонли лаҳза бўлган.

Бугунги талабаларнинг имкониятлари, албатта, анча кенг. Фан олимпиадалари, спорт, номдор стипендиялар, ижодий ташаббусларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш... бундай имкониятларни қадрлаш, фойдаланиш, ўз устида ишлаш келажакда муваффақият эмас, балки, раҳбар, ташаббускор шахс бўлиш учун пойдевордир.

Талабалик йилларини шунчаки ўтказиб юбориш керак эмас. Унда билим, касбий кўникма, тил, IT саводхонлиги, мулоқот маданиятини шакллантириш керак. Чунки, эртанги муваффақият, айнан, бугунги кундан бошланади.

Тилагим, ҳар бир талаба бу имкониятларни қўлдан бой бермай, ўз келажакини бугундан қуришни бошласин.

ЧЕТ ЭЛДАГИ ТАЛАБАЛИК САБОҚЛАРИ

Менинг талабалик йилларим чет элда ўтган. Хориждаги таълим тизими халқаро стандартларга асосланган бўлиб, талабалардан фақат назарий билим эмас, балки, амалий кўникма ва мустақил фикр талаб этиларди. Ҳар бир кун мен учун янги муҳит, янги тажриба ва янги синов бўларди, шу орқали дунёқарашим янада кенгайиб борарди.

Чет тилларни мукамал даражада ўрганиш менга, нафақат, илмий изланишимда, балки, турли миллат ва маданият вакиллари билан мулоқот қилишимда ҳалигача катта ёрдам беради.

Талабалик йилларимда ҳақиқий билим бу назарий маълумот эмас, балки, уни ҳаётда тўғри қўллаш олиш қобилияти эканини англаб етганман. Илмнинг қудрати инсонда фақат уни ёдлашда эмас, амалда татбиқ этишда намоён бўлади.

Бугунги ёшлар эса мутлақо янги - ахборот тезкор, имкониятлар чексиз бўлган дунёда яшашмоқдалар. Интернет, рақамли технологиялар, халқаро грантлар ва онлайн таълим платформалари улар учун кенг эшиклар очмоқда. Бу эса талаба зиммасига янада каттароқ масъулият: ахборотни саралаш, таҳлил қилиш ва ундан тўғри фойдаланиш вазифаси юклайди. Биз ўқиш пайтида маълумот излар эдик, бугунги авлод эса унинг ҳақиқий қадрини англашни ва ундан мақсадли фойдаланишни ўрганмоқда.

Менинг талабалик давримда таълим тизими кўпроқ анъанавий усулларга асосланган бўлса, бугунги авлод рақамли дунёда камол топпоқда. Замон қандай ўзгармасин, талабалик инсон ҳаётидаги энг муҳим мактаб бўлиб



**Суҳроб Деҳқанов,
Осиё халқаро университети
ректору**

қолаверади. Илгари билим манбаи китоб ва маърузалар билан бўлган бўлса, бугун унинг ўрнини виртуал аудиториялар, электрон манбалар ва онлайн кутубхоналар тўлдирмоқда.

Хусусан, Осиё халқаро университетида талабаларнинг илм олиши, шахсий ривожланиши ва фаол фуқаро сифатида шаклланиши учун барча замонавий шарт-шароитлар мавжуд.

Мен ёш авлодга ишонаман. Чунки, уларда билимга чанқоқлик, изланишга интилиш ва жасорат етарлича. Улар ана шу сифатлар орқали Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини мустаҳкамлашга қодир.

“Ёдгор” - Ғафур Ғулом насрининг дурдоналаридан бири. Асар зиддияти ва таҳликаларга бой бир даврда “дунё”га келган. Унда шахс ва жамият ўртасидаги адолат, инсон ҳуқуқлари ҳамда масъулият мавзулари чуқур ёритиб берилган.

“Ёдгор” қиссасининг марказида эски урф-одатлар таъсиридаги оилавий зўравонлик ва бунинг натижасида юзага келган адолатсизлик ётади. Қисса қаҳрамони Жўранинг тасодиқий гувоҳлиги орқали умидсиз аҳволда қолган ёш аёлнинг тақдири очилади. Унинг эри майда савдогарлардан, хотинига нисбатан шафқатсиз бўлган. Турмушдан ажралишни иснод, деб билган аёл Жўрани сохта эр сифатида ЗАГСга олиб бориб, ўзига талоқ қўйишга мажбур қилади.

Айнан шу воқеа инсон ҳуқуқларининг энг қўпол равишда бузилишини кўрсатади. Аёлнинг ўз никоҳини бекор қилишга бўлган ҳаракати, унинг жамиятдаги ожизлиги ва зўравонликдан қутулиш учун мажбур бўлган ҳийласи натижасидир. Аммо, қиссадаги адолатсизликнинг энг огир ва фожиали кўриниши бу - аёлнинг янги туғилган чақалоғини Жўрага ташлаб кетишидир. Бу воқеа, нафақат, шахсий фожа, балки, бутун жамиятдаги инсон ҳуқуқларининг қўпол бузилишини ифода этади. Чунки, ҳар бир бола яшаш, тарбия ва меҳр-муҳаббатда улғайиш ҳуқуқига эга. Бош Қомусимиз Конституцияда ҳам бола ҳуқуқлари, унинг эркинлиги ва қонуний манфаатларини таъминлаш давлатнинг устувор бурчи экани таъкидланган. Аммо, асарда аёл “Ёш умримни бола боқиб, хазон қилмайман”, -деб ўз шахсий эркинли-



ҒАФУР ҒУЛОМ НАСРИДА АДОЛАТ ИЗЛАНИШИ: “ЁДГОР” МИСОЛИДА

гини фарзанднинг ҳақидан устун қўяди. Шу тариқа, чақалоқ Ёдгор жамиятдаги беадолатликнинг тирик рамзига айланади.

Жўра аввалига бу огир воқеа олдида ҳайрат ва иккиланиш ҳолатида қолса-да, болани ташлаб кетмайди. Унинг онаси эса халқона соддалиги, меҳрибонлиги ва аёлга хос иззат-хурмати билан Ёдгорни бағрига босади. У оддий, аммо, юраги кенг ўзбек онасининг

тимсоли, халқнинг болапарвар ва инсонпарвар табиатини ифода этади.

Вақт ўтиши билан Ёдгорнинг тақдири Жўранинг ички дунёсига ҳам таъсир қилади. Боланинг борлиги унда масъулият туйғусини уйғотади, меҳр ва бунёдкорлик ҳисларини кучайтиради. Аскарликка кетганида, у Ёдгор ҳақидаги фикрлар билан яшайди. Ленинградда тиббиёт соҳасига ўқишга кириши бу

унинг ўз устидаги меҳнати, илмга ва янгича фикрлашга интилишини кўрсатади.

Қиссада адолат ва инсон ҳуқуқларининг тикланиши Жўранинг Саодат билан турмуш қуриши орқали ёрқин намоён бўлади. Саодат фақат Жўрани эмас, балки, Ёдгорни ҳам чин дилдан севиб, унга оналик меҳрини бағишлайди. Жўранинг охирги сўзлари: “Йўқ, Ёдгор менинг ҳақиқий ўғлим, у Саодатнинг ҳам биринчи боласи”, -деган фикри инсон муҳаббати ва руҳий покликнинг ижтимоий тамға устидан ғалабасини англатади. Бу сўзлар орқали муаллиф ҳақиқий адолат қонунларда эмас, балки, инсон қалбидаги меҳр ва садоқатда эканини кўрсатади.

Қиссада инсон ҳуқуқларининг энг асосий қирралари: тинчлик, муҳаббат, оила ва фарзандлик ҳуқуқи сифатида талқин қилинади.

Жўранинг руҳий ўсиши, унинг чапани йигитдан онгли, масъулиятли фуқаро ва меҳрибон отага айланиши инсон камолоти ва жамият ривожини ўртасидаги узвий боғлиқликни намоён этади.

Асарнинг сўнгги қисмида Жўра ўз ҳаётига маънавий хулоса чиқаради: “Узун ва ойдин умр йўли. Бу йўл нурларга тўлган, ширинликларга мўл, муттасил кундуз, гуллар тўшалган йўл”. Бу йўл - янги жамиятнинг йўли, яъни меҳнат, билим ва адолат байроғи остидаги эзгу ҳаёт сари интилиш йўлидир.

Ғафур Ғулом “Ёдгор” қиссасида адолатсизликни фақат фош этиш билан чекланмайди, балки, унинг давоси инсон қалбидаги меҳр, масъулият ва маърифатда эканини кўрсатади. Фарзанддан воз кечиш каби огир гуноҳ ҳам жамият меҳри, она юракли одамлар ва меҳнатнинг поклантирувчи кучи билан ювилади. Шу боис, “Ёдгор”, нафақат, фожа, балки, умид ва инсоний адолатнинг қайта туғилиши ҳақидаги қиссадир.

**Севара Ғайбуллаева,
Тошкент давлат Юридик университети
2-курс талабаси.**

“ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?": РОМИТАНДАГИ ФОЖЕА ОРТИДАГИ ОҒРИҚЛИ ҲАҚИҚАТ

2 нафар боласи ва ўзини сувга ташлаган она 4 йилга қамалди

Жиноят ишлари бўйича Ромитан туман суди томонидан чиқарилган ҳукм жамоатчиликда катта резонанс уйғотди. Судланувчи М.Н. 22 ёшли талаба, икки нафар вояга етмаган фарзанднинг онаси. У Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг турли бандлари билан икки нафар ожиз аҳволдаги вояга етмаган шахсни қасддан ўлдирishга суиқасд қилишда айбланган. Бухоро вилояти суди судьяси Нозимжон Жўраевнинг маълум қилишича, М.Н.га нисбатан суд ҳукми билан 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.



М.Н. 2020 йилда дастлаб, фуқаро Ф.Б.га турмушга чиққан. Ўзаро оилавий келишмовчилик сабабли у билан ажрашган. Ота-онасининг уйига қайтиб келгач, 2021 йилда бир нафар ўғил фарзандли бўлган. Орадан кўп вақт ўтмай, 2022 йилда у Тошкент вилояти, Куйичирчиқ туманида яшовчи фуқаро И.Т. билан интернет орқали танишиб, у билан шаръий никоҳ қурган. 2023 йилда яна бир нафар ўғил фарзандни дунёга келтирган. Икки нафар вояга етмаган фарзанди билан шаръий никоҳдаги эрининг уйида яшаётган М.Т. яна турмушнинг аччиқ синовларига дуч кела бошлаган. Ўзи ва фарзандларининг И.Т. томонидан камситилиб келинган аёл унинг дуртқи-суртқиларига ҳам чидашга мажбур бўлган. И.Т. на аёлига, на фарзандларига эътибор кўрсатмаган, иқтисодий қўллаб-қувватламаган. Бир муддат ота-онасининг хонадонига қайтган М.Т. орадан кўп ўтмай,

синглисидан иккинчи турмуш ўртоғининг бошқа бир аёлга уйланиш ва Тошкентдаги хонадонини сотиш тараддудига тушаётганини эшитган. Илк турмушдан рўшнолик кўрмаган М.Т. иккинчи турмушининг ҳам жар ёқасига тушиб қолаётгани, ота-онасига “юк” бўлиб, фарзандларини боқишга қийналаётгани, ҳаёт ташвишларидан чарчганини ҳис қилгани боис, ўзи ва фарзандларининг жонига суиқасд қилиш пайига тушган.

Суд ҳужжатларига кўра, М.Т. жорий йилнинг февраль ойида ҳам Тошкентда яшаб келаётган вақтида дори ичиб, ўзини ўлдирмоқчи бўлган. Афсуски, бу гал у ҳеч иккиланмай, ўзига қўшиб, норасида гўдакларининг ҳам жонига суиқасд қилишга киришган.

У шу мақсадда Бухоро тумани, “Боғикалон” МФЙ, “Юзон” қишлоғидан оқиб ўтувчи сув тўла ҳолатидаги эни 5-6 метр,

чуқурлиги 2 метр бўлган “Ғозибод” каналига аввалига икки нафар вояга етмаган фарзандларини ташлаб юбориб, кейин ортидан ўзини ҳам шу каналга ташлаб юборган.

Ўзи ҳам сувда сузишни билмаган М.Т. эса шошқин сув тўлқинига дош беролмай, амаллаб канал бўйига чиққан. Сувда биғиллаб келаётган 2 ёшар ўғлининг жонига ачишиб, уни онанинг ўзи қутқариб қолган. Бир пасда одамлар тўпланишиб, икки нафар вояга етмаган бола ҳамда онани қутқариб қолишган. Зудлик билан ички ишларга ҳамда “Тез ёрдам”га қўнғироқ қилишган. “Эрим ташлаб кетди, бу турмушимдан ҳам бахт тополмадим, одамлар нима дейди? Мен ҳеч кимга керак эмасман, болаларим ҳам ҳеч кимга керак эмас, шу сабабли ўзимни ва болаларимни сувга ташлаб ўлдирмоқчи бўлдим...”, -дея такрор-такрор йиғлаб гапирган, чинқирган, бақирган.

Тасодиф туфайли ёрдам берган фуқароларнинг аралашуви билан она ва болалар тирик қолган. Болалар нафас етишмовчилиги ва совуққа чалиниш билан шифохонага ётқизилган.

М.Т. эса судда ўз айбини инкор этган. Аёлнинг сўзларига кўра, у ҳаётдан бешиб, ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган, аммо, фарзандларини ўлдириш нияти бўлмаган. Шу билан бирга, у ҳодиса вақтида хушида бўлганини ва болаларини сувга тушиб кетганини аниқ эслай олмаслигини айтган.

Бироқ, суд-тергов жараёнлари гувоҳлар ва тиббий экспертиза хулосалари, шунингдек видеотасвирлар ва ҳодиса жойини кўздан кечириш далиллари у аввал фарзандла-

рини, кейин эса ўзини сувга ташлаганини аниқлаган.

Психиатрия экспертизаси ҳам ўз хулосасида судланувчи ҳодиса вақтида ақли расо бўлганини, ўз қилмишини англай олганини баён этган. Демак, М.Т.қилмишининг оқибатини англай олган ҳолатда ўз хатти-ҳаракатини амалга оширган.

“Одамлар нима дейди?” -деган гўёки ёқимсиз эътиқодга айланиб қолган онг остида ўзини ва фарзандларини бир вақтда ҳалокатга олиб бориб, турмуш муштларидан қочишнинг ягона йўлини танлаган. Тўғри, бу аёлнинг жиноятини оқламайди.

Бироқ, айтиш жоизки, бу воқеа оилавий зўравонлик, руҳий саломатлик хизмати ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимидаги камчиликлар ҳали ҳануз “яшаб” келаётганини англатади. Атрофдагилар (маҳалла кўй, яқинлари, оиласи ва бошқалар) М.Т.нинг бор-йўғи, 22 ёшида ҳар икки турмушида ҳам чигалликларга, оилавий зўравонликка дуч келиб, қийинчиликлар орасида яшаб келаётганидан хабардор бўлишган. Туманлар миқёсида маҳалла фуқаролар йиғинлари, қолаверса, профилактика органилари, “Еттилик” деган “тушунчалар” ва бошқалар бундай ҳолатларни олдиндан аниқлаш ва аралашши механизмларига эга эмас. Ромитандаги бу иш фақат бир оиланинг фожеяси эмас, балки, у яшаб келаётган муҳит, маҳалла ва жамият учун огоҳлантирувчи сигналга ўхшайди.

Ҳар бир суд ҳукми билан танишиб, уни ўқир эканмиз, ҳар доим “айбдор жазоланди” деган фикр билан чекланиб қоламиз. Дарҳақиқат, суд ўз ҳукмини чиқарди: М.Т. 4 йилга қамалди.

Аслида, жиноятчи эмас, жиноят қурбонига айланиб қолаётган бу оғизга шу 4 йил умрини темир чамбара ортида яшаб ўтишга маҳкум.

Албатта, суд қарорлари жиноятнинг оқибатини белгилайди. Аммо, жиноятнинг сабабларига ечим топиш эса кенг жамоатчиликнинг иши.

Лайло Ҳайитова



Бозорда

Робия етти ёшли қизини бозорга жўнатди. Қўлига зарур маҳсулотлар рўйхатини ёзиб берди: бир килодан картошка, пиёз, сабзи, парварда, ярим кило гўшт... Шунга етадиган пул тутқазди.

Тушга яқин қизи майишиб, бир дунё нарсани кўтариб келди. Робия бозорликни олиб кўрар экан, хурсанд бўлди: қизи корига ярайдиган бўлиб қолди! Раҳматли эри ҳаёт бўлганида-ку, ҳар якшанба ўзи бозорлик қиларди. Робия кўнгли тўлиб, қизига раҳмат деди. Қизи эса, чўнтагидан пулларни чиқариб берди.

— Бу қанақаси?! — деди Робия ҳайрон қолиб. — Бунча нарсани

қайси пулга олиб келдинг?

Қизининг кўзиде ёш йилтилади:

— Ҳеч ким пулимни олмади. Картошқачи амакиям, пиёзчи амакиям: “Раҳматли отанг яхши одам эди, ёш кетди”, деб бир килодан эмас, икки килодан берди. Пулимни эса олишмади.

Робиянинг мижжасига ёш қалқиб чиқди.

Таскин

Ҳаётда биз ҳамма нарса биз хоҳлагандек бўлишини истаймиз: ҳар эшик очилсин, ҳар имконият берилсин, ҳар инсон бизга яхши муносабатда бўлсин. Аммо Аллоҳнинг ҳикмати шундаки, айрим эшиклар ёпиқ бўлиши орқали У сизга яхшилик қилади.

Ёпиқ эшик — бу йўқотиш эмас, ҳимоя. Балки у эшик ортида сизнинг орзуингизга зид нарса бордир, ёки у йўл сизни оғриқ, хиёнат ёки хафаликка олиб бориши мумкин. “Ҳаётда ҳар эшик очилмаса ҳам, хафалик керак эмас. Аллоҳ ҳар бир эшикни хайр ва ҳикмат билан ёпади ёки очади”

Шунақаси ҳам бўлади...

Ерга бир томчи асал тушди ва битта кичкина чумоли келиб, асалдан бир оз татиб кўрди ва кетди...

Бир оз вақт ўтгандан кейин яна такрор асал егани келди. Чунки асалнинг мазаси уни ўзига мафтун қилганди...

Бироз асалдан егандан сўнг кетмоқчи бўлди, бироқ асал жудаям лаззатли эди... Нима бўлганда ҳам асални ташлаб кета олмади....

Чунки у асални мазасини энди энди татиб кўрмоқда эди, шунинг учун ҳам у асалга муккасидан кетган эди...

Асал томчисини ичига ўзини отди ва мазза қилиб уни еди...

Ва ҳаттоки ундан чиқиб кетмоқчи бўлганида, ўзида куч топа олмади....

Қанча ҳаракат қилмасин, ҳаракати уни қутқариш ўрнига асал томчисига баттар ғарқ қилиб борарди ва чумоли шу аснода типирчилай типирчилай жон берди...

Чумоли агар очкўзлик қилмасдан озгина асал билан қаноатланганда эди, ҳалок бўлмаган бўлар эди...

Ҳазрати Умар розияллоху анху шундай дейдилар....

“Дунё катта бир асал томчисидир. Ким ундан етарли миқдор билан кифояланса қутилади. Энди ким унга очкўзлик билан ташланса, чумоли каби асалга ғарқ бўлиб, ҳалок бўлади”...

Гўзал сўзла...

Бу дунё бир тоғ кабидир. Унга қандай садо берсанг, у ҳам сенга худди ўша садони қайтаради. Огзингдан хайрли бир сўз чиқса, хайрли сўз жаранглайди. Ёмон сўз чиқса, орқама-кетин ёмон сўз жаранглайди.

Шундай экан, кимки, сенинг ҳақингда ёмон сўз сўзласа, сен у инсон ҳақида қирқ кеча-кундуз фақатгина гўзал сўзлар сўзла. Қирқ кундан сўнг барча нарсанинг ўзгарганини кўрасан. Агар сенинг кўнглинг ўзгарса, бутун дунё ўзгаради...

Шамс Табризий

Ёмонлар “тажриба” беради...

Ҳаётингизда қандай инсон бўлмасин, уни ёмон кўриб, у билан танишганингизга афсусланманг! Чунки, яхши инсонлар сизга “бахт-саодат” берса, ёмонлари “тажриба” беради. Энг ёмон, деб ўйлаганингиз “сабоқ” берса, энг яхшилари “маънавият” берадилар.

Маъруф Нажиб

Ҳаёт – буюк саёҳатчи

Бир қишлоқда бир чол яшаган экан. У жуда камбағал бўлса-да, бисотидаги Яккаю-ягона чопқир отига ҳатто подшоҳлар ҳам ҳавас қилишар экан. Оти учун жуда кўп пул таклиф қилишса ҳам у сотмас экан. Чол: “Бу менга нафақат от, балки дўстим. Дўстини қандай сотаман?” - дер экан.

Аммо бир куни эрта билан от боғланган жойидан ғойиб бўлди. Бутун маҳалла йиғилиб чолни тергай бошлашди: “Эҳ, аҳмоқ чол, - дейишарди унга. – Отни бир куни ўғирлаб кетишларини билардик. Сотганинда яхши эмасмиди? Қандай омадсизлик!”

Чол деди: “Мен отимни ўғирлашдимиз ўзи кетдимиз, билмайман. Бу воқеа ҳам омад ёки омадсизлик экани ҳаммамизга қоронғу. Оқибати Аллоҳга аён”.

Халойиқ унинг устидан қулиб тарқалди. Қишлоқ аҳли чолни аввалдан сал соддароқ деган фикрда эдилар.

Бироқ ўн беш кун ўтиб қутилмаганда от қайтиб келди. Қайтиб келганда ҳам ўзи билан бирга тўртта тойни эргаштириб келди. Одамлар яна тўпланиб: “Эй, чол сен ҳақ экансан, бу омадсизлик эмас, бахт экан”, дейишди. Чол яна: “отим йўқолганди, яна пайдо бўлди. Бу бахт ёки бахтсизликлигини ҳеч қайсимиз билмаймиз. Сиз гапдаги биргина сўзни ўқиб, бутун китобнинг мазмунини била олмайсиз-ку!”-деди. Лекин одамлар яна “Чол ноҳақ, ахир унинг отлари кўпайди-ку”, -деб ўйладилар.

Чолнинг ёлғиз ўғли тойларни минишга ўргата туриб, отдан йиқилди ва оёғи синди. Халқ: “Ана омадсизлик! Сенинг ёлғиз ўғлинг оёғи синиб, бетоб бўлди. Ундан кўра отни сотганинг-

да ҳеч бўлмаганда, пуллик бўлиб қолардинг”, дейишди.

Бу сафар ҳам чол уларга қараб: “Сизлар ҳукм чиқаришга шошилманглар. Мен ўғлимнинг оёғи синганини биламан, аммо бунинг ҳам омад ёки омадсизлигини Аллоҳдан бошқаси билмайди”, -деди.

Орадан бир неча кун ўтиб, мамлакатда уруш бошланди-ю ҳамма ёшларни ҳарбийга олиб кета бошладилар. Фақат чолнинг ўғли оёғи сабабли урушга бормади. Халойиқ урушда мағлуб бўлганлари ва кўпчилик урушга кетганлар ҳалок бўлганларини кўриб, чол хузурига келдилар ва йиғлаб: “Сен ҳақ экансан, ўғлингнинг чўлоқлиги бахт экан. Мана у сен билан бирга, бизларнинг болаларимиз энди ҳечам қайтмайди”, - дейишди.

Чол яна ўша гапларини такрорлади: “Сизларга шунча гапларим бекор бўлган кўринади. Ҳеч ким бир воқеанинг ортидан қанақаси келишини билмайди”.

Шошилиб ҳукм чиқариш онгнинг қотиб қолишидан дарак. Бир ҳодисанинг ортидан бошқаси келади, бир қисм тугаб бошқаси бошланади, бир эшик ёпилиб, бошқаси очилади. Сиз бир чўққига чиқсангиз, ундан-да баландроғи кўринади.

Ҳаёт – буюк саёҳатдир!



Бегона йўлда “ғарқ” бўлма...

Тулки дарёнинг нарғи қирғоғида турган туядан сўради:

— Сув сатҳи чуқур эмасми?

Туя жавоб берди:

— Йўқ, елка баробар.

Тулки ўзини сувга отган эди дарё чуқурлигидан уни домига торта бошлади. У гоҳ сув ичига ғарқ бўлиб, гоҳ типирчилаб, зўрға бошини сувдан чиқариб, аранг бир тошга тирмашиб, жонини сақлаб қолди. Кейин ҳансираганча туяга бақирди:

— Сен дарёни елка баробар, демангмидинг?!

Туя яна хотиржам жавоб берди:

— Ҳа, шундай, лекин, у менинг елкам баробар.



Қиссадан ҳисса:

Бировдан маслаҳат сўрасангиз, у ўз имкониятларидан келиб чиқиб, маслаҳат бериши мумкинлигини ҳисобга олинг. Ҳамманинг ҳам кўрсатмалари ёки ҳаёт йўлини тўлиғича ўзингизга йўл тутманг. Йўқса, улар кечиб ўтган йўл, сизни ғарқ қилиши мумкин.

Бирор ишда иккилансангиз, омонатдор, сизни яхши тушунган, шароит ва имкониятларингиздан қисман хабардор ҳамда ҳаётий тажрибага эга бўлган кишидан маслаҳат сўранг. Кейин ўша маслаҳатлар ичида яхши-сиға йўллашини сўраб, дуо қилинг ва яна Яратганга таваккал қилиб, ишга киришинг.

Икром Шариф

ODDIY FIKRLA, ODDIY QABUL QIL VA ODDIY YASHA! CHUNKI HAQIQAT HAM JUDA ODDIYDIR



Энига: 1. Тут тури. 5. Футболчининг махсус оёқ кийими. 7. Цитрус мева номи. 8. Оналар қўшиғи. 9. Дўст билан ... уйинг. 11. Оёқнинг букиладиган қисми. 14. ... (ҳинд актриса). 15. Чим. 18. Алоэнинг ўзбекча ном-ланиши. 20. Дарёдан ажралиб чиққан ариқ. 22. Мўлжал, тахмин. 23. Машҳур авто-компания номи. 24. Дарахт томири.

Бўйига: 1. ... Рустамова (хонанда). 2. Россиядаги шаҳар номи. 3. Бахт куши. 4. Сўқирлар алифбоси. 6. Эрта-дан кейинги кун. 10. Чақалоқни ором олиши учун беланадиган беланчак. 11. Америка қўшма штатларидаги штат номи 12. Чаққон, эпчил 13. Метронинг тангали читпаси. 16. Отанинг ака ёки укаси. 17. Узум нави. 19. Склад 21. Одеколон, ...-упа 22. «Меҳроб-дан ...» (роман).

MUASSIS :
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
YOSHLAR ISHLARI
AGENTLIGINING BUXORO
VILOYATI YOSHLAR ISHLARI
BOSHOQARMASI

Bosh muharrir :
Laylo HAYITOVA

Gazeta Buxoro viloyati Matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan
2017 yil 15 dekabrda 05-081 tartib raqami bilan ro'yxatga olingan.

BOSH HAMKOR:
O'zbekiston yoshlar ittifoqi
Buxoro viloyati Kengashi

TAHRIR HAY'ATI:
Shavkat Rahmonov
Baxtiyor Adilov
Mirali Hamroyev
Обиджон Ҳамидов
Шўҳрат Жумаев
Jamol Nosirov
Dilshod Yo'ldoshev
Mirshod Ochilov

TAHRIRIYAT MANZILI:
Buxoro shahri, Alisher Navoiy
ko'chasi, 20-uy.

TAHRIRIYAT HISOB-RAQAMI:
20210000404114165001 "Agrobank"
Buxoro shahar filiali, MFO: 00089, OKONX:
87100, STIR: 203590296
Nashr ko'rsatkichi: 3051

ISSN 2181-6557



**SAHIFALOVCHI -
DIZAYNER:**
Xurshid Abdullayev

Gazeta "Photo Express" XICH ofset
usulida 1407 nusxada chop etildi.

Bosmaxona manzili:
Qarshi shahri, Mustaqillik
shox ko'chasi, 22-uy

Navbatchi muharrirlar:
Zulfizar Mavlonova
Dilnavoz To'xtayeva

Hajmi 2 bosma taboq. Qog'oz bichimi A-3. -buyurtma.
Topshirildi — 10:00. Chop etish vaqti: 11:00
Bahosi kelishilgan narxda 15.11.2025 yil

www.buxoro-voshlari.uz сайти орқали биз билан бирга бўлинг.